



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th May, 2025

БАДИЙ ОБРАЗНИНГ УМУМНАЗАРИЙ ҚИРРАЛАРИ

Рахмонова Хуршида

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси

Аннотация

Бадий адабиётнинг муҳим воситаларидан бири бу – образдир. Адабиётшуносликда образ кенг қамровли тушунча ҳисобланади. Мақолада жаҳон, рус, ўзбек адабиётшунос олимлариниг бадий образга оид назарий фикрлари имкон доирасида ўрганилиб, шу асосда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоялари таҳлил қилинган. Адиб ҳикояларидаги образлар бадиияти, уларнинг умумий ва индивидуал хусусиятлари, насрнинг метафорик табиати тадқиқ этилган.

калит сўзлар: илмий образ, бадий образ, образлилик, бадий умумлашма, индивидуаллик, урф-одатлар, қаҳрамон кечинмаси, бадий асар ғояси.

Бадий асар асосини ташкил қиласиган образ тушунчаси қадимги даврдан то ҳозирга қадар поэтиканинг муҳим белгиси бўлиб келган. Зоро, бадий образ барча санъат асаларининг ўзига хос хусусиятини белгиловчи воситадир. “Санъаткор бадий образ воситасида дунёни англайди, ўзи англаган моҳиятни ва ўзининг англанаётган нарсага ҳиссий муносабатини ифодалайди. Шу маънода образ адабиёт ва санъатнинг фикрлаш шакли, усули саналади”¹. Гегель айтганидек, санъат ва адабиёт образлар орқали фикрлаш демакдир. Гегель санъатнинг, айниқса, образнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталар экан, шундай ёзади: “... у, биринчидан, қандайдир мазмун, чунончи, муайян ҳис-туйғу, вазият, воқеа, хатти-ҳаракат, индивидни; иккинчидан, шу мазмунни тасвирловчи усулни назарда тутади”² . Бундан

¹ Дилмурод Куронов. Адабиётшуносликка кириш. – Т., Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2004, 62-бет

² Георг Вильгельм Фридрих Гегель. Эстетика. Санъат ва бадий ижод фалсафаси. – Тошкент, 2012, 29-бет



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th May, 2025

келиб чиқадики, ўзига хослик, хусусийлик белгилари образ ташыйдиган мазмунда ва уни (ўзига хос) ифодалаш усулларида намоён бўлади.

Адабий-назарий қарашлар тарихида рус танқидчилари – В.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г. Чернишевский, Н.А. Добролюбов, М.Е.Салтиков-Шчердин алоҳида бир босқични ташкил этдилар. Улар санъатнинг халқчиллик, миллий ўзига хослик, оригиналлик, ғоявий-бадиий бир бутунлик, образлилик каби хусусиятларни атрофлича очиб бердилар. В.Г. Белинскийнинг назарий асарларида бадиий образ – бадиий эстетиканинг муҳим таркибий қисми саналади. Белинский бадиий образ ҳақида шундай деб ёзади: “Санъатдаги энг олий предмет инсон ҳисобланаркан, демак, “образ” атамаси инсонга (бадиий асардаги инсонга) нисбатан қўлланиши маъқулдир. Образ бадиий тўқима ёрдамида яратилган , эстетик қиймат касб этган инсон ҳаётининг умумлашма ва айни чоғда, аниқ манзарасидир”³. Ҳозирги замон адабиётшунослигига эса образ деганда нафақат инсон, балки бошқа жонли ва жонсиз предметлар ҳам назарда тутилади. “Бадиий образ борлиқнинг(ундаги нарса, ҳодиса ва х.к) бадиий асардаги акси”⁴, - дейди адабиётшунос Дилмурод Қуонов. Аммо, олимнинг бадиий образларда умумийлик ва индивидуаллик каби қарашлари Белинский қарашларига ҳамоҳангдир. Адип Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам XX асрнинг биринчи ярми мудхиш даврларда яшаб, азоб-уқубатларга бардош берган ўзбек халқининг мард ўғлонлари қиёфасини умумлаштириб, ватанпарвар образини яратди. Булар : “Қазо бўлган намоз” ҳикоясида Миркомилбой, “Тўхтасинбойнинг бойликлари” ҳикоясида Тўхтасинбой, “Умид гули” ҳикоясида Абдурауф Фитрат, “Ёлғиз” қиссасида Абдулла Қодирий каби ўз даврининг илғор фикрли, зиёли инсонлариdir. Булар характеристида, табиатида умумий белгилар бўлиши билан бир қаторда, ҳар бирининг фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, фикрлари, орзу-армонлари борки, бу нарса образнинг индивидуал табиатини намоён қиласди. Белинский маълум бир халқ образини яратишда ўша халқнинг фикрлаш тарзи, дини, тили билан биргаликда урф-одатлари ҳам муҳим

³ Тимофеев.Л. Основы теория литературы. М., 1971, стр 62-63

⁴ Куонов Д. Адабиётшуносликка кириш. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004, 63-бет



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th May, 2025

аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: “Урф-одатлар халқнинг қиёфасидир, уларсиз халқ – қиёфасиз образдир, беҳуда ва амалга ошмайдиган хаёлдир”⁵ – деб ёзади. Мавзумизнинг объекти саналган Хуршид Дўстмуҳаммад яратган образлар орасида ҳам урф-одатларни, анъаналарни қадрлайдиган образларни учратишимз мумкин. Булар “Беозор қушнинг фарёди” ҳикоясида Қадриянинг онаси, “Шабада” ҳикоясида Мирсайид тоға, “Кузा” қиссасида Умид образларидир. Бу инсонлар маълум бир қадриятлар асосида яшайдиган, одамгарчиликни ҳар нарсадан устун деб билгувчи инсонлар образидир.

Белинский танқидий фаолиятининг барча босқичларида бадиий образни тушуниш ва тушунтиришда бир-бирига уйғун мулоҳазалар системасини кўриш мумкин. Олим сўзнинг образга айланишида ижодкор ҳистойғусининг ўрнини алоҳида таъкидлайди. “Сезги ва ҳиссиз ақл йўқ. Кимда сезги, ҳис бўлмаса, ҳаётни олий даражада англамоқ учун ақл эмас, бир оз идрок бор, холос. Инсон воқеликни инстиктив эмас, онгли англаши лозим. Мана шунда ҳис онгсиз ақлга, ақл эса онгли ҳисга айланади”⁶ Дарҳақиқат, ҳаётни факат ақл орқали, яъни ҳиссиз англаш воқеликни тўғри, аммо жонсиз англашдан иборатдир. Сўзнинг бадиий образга айланишида сезги, ҳиснинг, шу билан биргаликда ақлнинг ҳам аҳамияти бекиёсdir. Образга айланган сўз маъно доирасини кенгайтириб, ундан ташқари чиқар экан, воқеликни муайян қисмини акс эттирувчи асар ҳам реал воқелик доирасига сифрайди. У – бадиий воқелик, бадиий олам, деб аталувчи шартли воқелик даражасига кўтарилади. Ҳиссий олам эса табиий ҳолатдаги шаклан алоҳида-алоҳида бўлиб ётган воқеликнияхлит ҳаракатга келтирган, мазмундор, эстетик жиҳатдан баҳоланганди воқелик сифатида акс эттиради. Бадиийлик талаби билан яратилган санъат асарини қалб иштирокисиз, факат ақлнинг ўзи билан қабул қилиб бўлмайди.

Бадиий сўзда дунё яшайди. Сўз оддий мулоқот қуролидан образга, образ эса образлар тизимига, образлар тизими бадиий ҳақиқатга, бадиий ҳақиқат эса ижодкор концепсиясига айланади. Сўз бадиий образга айланишида

⁵ Белинский. В.Г. Адабий орзулар. Т., Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 7-бет

⁶ Белинский В.Г. Собр. соч. В девяти томах. Т.2. – М.: Худ.лит-ра, 1977. Ст 101.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th May, 2025

ўзида ҳам мазмуний, ҳам шаклий жиҳатдан катта эстетик юкни олади. “... оддий илмий образ билан бадиий образни фарқлаш лозим. Агар илмий образ аввал ақлга ва ақл орқали ҳисга таъсир кўрсатса (баъзан умуман ҳисга таъсир кўрсатмаслиги ҳам мумкин), бадиий образ аввал ҳисга, ҳис орқали ақлга таъсир кўрсатади. Одий аксиома сажиясидаги бу ҳақиқатни алоҳида таъкидлашдан мақсад – бадиий адабиётнинг ҳам ўз миқёсида билишга алоқадор вазифаси мавжудлини эслатишдан иборатdir ”⁷. Материал эстетика нуқтаи назаридан “оромкурси” сўзи ҳаётдаги ўриндиқ, ўтириш, дам олиш учун мўлжалланган предмет, буюм маъносини англатади. Бу сўзни табиий ҳолда алоҳида эшиитсак, унинг бизга ҳиссий таъсири деярли йўқдек туюлади. Аммо, ана шу сўзни туйгулар, дардлар, аламлар билан тўйинтириб, ҳаётий вазиятга мослаб айтсак, у тўлақонли бадиий образга айланади. Масалан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Катта кўча” ҳикояси ҳамда “Оромкурси” қиссасида “оромкурси” сўзи кишини ўйлантирувчи, инсон қайгу-аламларини ўзига сингдиргувчи дардкаш ҳамроҳ образи сифатида намоён бўлади. Ёзувчи ҳикоя қаҳрамони С.Алиевич ҳаётида оромкурсининг қанчалик аҳамияти борлигин ифодалаб берган. “... курси эса бурунгидек хизмат курсиси, оромкурсилик вазифасини арава-курсилик вазифасига алмаштириб, садоқатли хўжайинига янада мустаҳкам суюнчиқقا айланди. С.Алиевич икки-уч даъфа толиққаниданми, асаблари қақшаганиданми, кўз олди қоронғулашиб, гангиб қолаёзганида арава-курсига боши-елкаси аралаш суюниб нафас ростлади, ўзини ўнглаб олди”⁸. Демак, оромкурси қаҳрамоннонг энг оғир, аламли пайтида унга суюнчик бўлди. “Ҳар бир инсон ўзича қанчалар сир-синоатларнг кони бўлса, у эгаллаб ўтирган курси ҳам шунчалар айтиб бўлмайдиган ажобтовур саргузаштларга тўлиб- тошиб ётибди”⁹. Демак, оромкурси сўзи қаҳрамон кечинмалари билан мулоқотга киришгач, яхлит образга айланган. Чунки оддий табиий нарсанинг номини ифодаловчи сўз ижодкор хаёли, дарди, кечинмаси билан суғорилиб китобхон қалбига, ҳиссига таъсир қилувчи

⁷ Саримсоков Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари – Т.:2004,35-бет

⁸ Хуршид Дўстмуҳаммад. Қичқириқ. Катта кўча ҳикояси. – Т ., 2014, 161-бет

⁹ Хуршид Дўстмуҳаммад. Қичқириқ. Катта кўча ҳикояси. – Т ., 2014, 159-бет.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th May, 2025

жонли образга айланади. Бундан келиб чиқадики, сўзнинг образга айланишида бадий матн ҳам ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, образ, образлилик бадий адабиёт ва адабиётшуносликнинг асосини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Белинский. В.Г. Адабий орзулар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
- 2.Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т .: Ўзбекистон, 2002.
- 3.Георг Вильгельм Фиридиҳ Гегель. Эстетика. Санъат ва бадий ижод фалсафаси. – Тошкент, 2012.
- 4.Дўстмуҳаммад Хуршид. Қичқириқ. Катта қўча ҳикояси. – Т ., 2014.
- 5.Раҳимжонов Нўъмон. Бадиият – бош мезон. – Т.: Академнашр, 2016.
- 6.Саримсоқов Баҳодир. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.:2004.
- 7.Тимофеев Л.И. Теория литературы. – М.: Педагогика, 1979.
8. Қурунов Дилмурод. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2004.
- 9.Қурунов Д. Назарий қайдлар. – Т.: Академнашр, 2018.
- 10.Қўшжонов Матёқуб. Ҳаёт ва маҳорат. Т., Ўззадабий нашр, 1962.